

LEXICAL AND SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT "HAPPINESS" IN UZBEK AND ENGLISH

Karimova S.

SamDCHT Doctoral Student

ABSTRACT

The language itself embodies the cultural and national mentality of the people. Every owner of a language preserves its culture, and therefore language signs have the character of performing the function of cultural symbols and thus serve as a means of expressing the main cultural relationship.

Академик Д.С. Лихачёв таъкидлаганидек “XXI гуманитар фанлар асри бўлади” [1]. Илмий тафаккур тараққиётининг замонавий босқичи гуманитар билимларга нисбатан муҳим методологик ўзгариш билан тавсифланади. Тилшунослик учун бу методологик бурилиш инсон маданияти ҳодисаси сифатида тилга бўлган қизиқишнинг ортиб боришини англатади. Маданиятни илмий ўрганишда тил етакчи тамойил сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда [2]. Тилшунослик доирасида тилнинг инсон онги ва тафаккури, маданияти ва халқларнинг маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш билан шуғулланадиган фанлар мавжуд. Улардан бири лингвокултурология бўлиб (лотинчадан: *lingua* – тил, *culture*-маданият, *logos*-фан, таълимот) синтезловчи характердаги илмий йўналиш ҳисобланади ҳамда маданият ва тилни лисоний бирликларда тақдим этади.

Ушбу мақолада "бахт" тушунчасининг лексик ва семантик майдонини ўзбек ва инглиз тилларида кўриб чиқамиз.

Мазкур ёндашув доирасида лингвомаданий масалаларни ўрганиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Эмоционал соҳани ўрганишга лингвомаданий ёндашув ва уни вербал ифодалаш муайян лингвомаданият ташувчиларига хос бўлган ўзига хос мантиқни аниқлашга имкон беради. Шунини таъкидлаш керакки, концепт нафақат тилшунослар, балки психологлар, маданиятшунослар ва файласуфлар томонидан ҳам кескин илмий мунозараларнинг объекти ҳисобланади. Замонавий тилшуносликда кўплаб тадқиқотлар объектига айланган концепт масаласи хали ҳам очиқ ҳисобланади.

“Бахт” концепти лингвомаданиятда доминант концептлардан бири бўлиб, шу сабабли ўзига кўплаб тадқиқотчиларнинг қизиқишини жалб қилади, мисол сифатида С.Т.Воркачевнинг “Бахт лингвомаданий концепт сифатида”. В.В.Колесовнинг “Инсон металитетида бахт ва тақдир концептлари”, А.Д.Шмелевнинг “Бахт ва мухаббат”, А.А.Смирновнинг “Карамзин публицистикасида бахт концепти” номли илмий тадқиқотларида кузатишимиз мумкин.

Ўзбек тилида “бахт” худди инглиз тилида “*happiness*” каби ядровий лексема ҳисобланади. Инглиз тилида бахтли кайфиятда, ҳолатида бўлиш, яъни “*happiness*” *luck* “омад”, *gladness* “қувонч”, *delight* “хурсандчилик”, *blissfulness* “роҳат”, *satisfaction* “лаззат” каби асосий таянч тушунчаларга эга. Ўзбек тилида бахт концептининг лексик-семантик доираси кенгрок, яъни, у “тақдир”, “омад”, “қувонч”, “саодат”, “хурсандчилик”, “роҳат-фароғат” каби тушунчалар орқали ҳам берилади. Умумий кўринишда икки тилдаги “бахт” ва “*happiness*” концептларининг лексик-семантик доиралардаги умумийликлар қуйидаги таянч

бирликларда ўз аксини топади: лаззатланиш, қувонч, тақдир, хурсандчилик, роҳат. Ушбу концептнинг лексик-семантик таҳлили давомида инглиз тилидаги “happiness” ва ўзбек тилидаги “бахт” сўзлари ядросининг бир компонентли табиати очиб берилди. Уларда “бахт” қувонч ва қониқиш ҳисси билан ифодаланади.

Ўзбек тилида “бахт” концепти “тақдир” тушунчасининг лексик ва семантик майдонига киради, ҳамда унинг муҳим таркибий қисми ҳосил қилади. Миллий онгда “бахт” тақдирнинг (улуш) бошқа тимсоллари билан бирга мифологик мавжудот вазифасини бажаради. Бахт манбаи ҳақидаги саволга жавоб шахсий бахт туйғуси ва шу туйғу манбаи сифатида мифологик борлиқнинг инсон онгида боғланишга олиб келади.

Этимологик луғатларга кўра “happiness” концепти ўрта инглиз давридаги *hap*, яъни имконият (*chance*) ва ёки омад (*luck*) сўзларидан ҳосил бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Happy - бахтли сифати ва *happiness* – бахт оти суффикслар орқали шаклланган. Шу билан бирга *hap* олд қўшимчасини қуйидаги сўзларда ҳам учратишимиз мумкин: *perhaps* (имкон қадар), *happen* (бўлиб ўтмоқ), *happy* (бахтли, хурсанд), *happily* (бахтимга, қувноқ), *hapless* (бахтсиз), *unhappy* (бахтсиз), *mishap* (бахтсизлик), *happiness* (бахт) и *happenstance* (тасодиф). “Бахт” сўзининг бу тарзда келиб чиқишида унга бириктирилган маъноларда тасодиф элементи мавжудлигини кузатишимиз мумкин [4]. Кейинчалик, XIV асрнинг охирига келиб, *very glad* (хаддан ортиқ хурсанд) ҳисси қадимий инглиз тилидаги *eadig* (*EAD* - *бойлик*) ва *gesalig* сўзлари билан суриб чиқарилган. 1520 йилларда қадимий инглиз тилидаги *blide* (бахтли) сўзи *happy* (қувноқ) сўзи шаклида тилда ўрнашиб қолади. Грек тилида ҳам, ирланд тилида ҳам ва хаттоки Европанинг бошқа кўплаб тилларида ҳам “*happy*” (бахтли) тушунчаси бошдан бош “*lucky*” (омадли, пешонаси ялтираган) сўзининг маъносида бўлган.

Истисно сифатида валлар тилини келтириш мумкин, бу тилда бу сўз биринчи навбатда *wise* (доно, оқил) маъносида қўлланилган [3].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бахт сўзи учун қуйидаги характеристика берилган. Бу тушунча форс тилидан олинган бўлиб, дастлаб улуш, тақдир, қисмат, пешана маъносини англатган. Шу билан бирга, бу сўз вақтлар ўтиши билан фаолият, муваффақият, турмуш тарзи, истакларнинг бажарилиши, мақсадларга эришиш каби маъноларни ҳам билдириб, яъни ахлоқий, ахлоқий қадриятларга яқинроқ бўлган тушунчаларни ҳам англата бошлади.

Ўрганилаётган номинантларнинг этимологик келиб чиқиши етарлича ўрганилган бўлиб, концептларнинг дастлабки асоси кўрсатилиши орқали тубдан таҳлил қилинган. Этимологик таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, ўзбек ва инглизлар дунё манзарасида бахт кўпинча омад деб тушунилади, яъни шахсий саъй-ҳаракатлар ва инсоннинг хизматларига боғлиқ бўлмаган холда муваффақиятли бўлиш.

“Happiness/бахт” концепти ядро лексемаси синонимларнинг қиёсий характеристикасини қуйидаги сўзлар қатори билан кўрсатиб бериш мумкин: *bliss*, *blissfulness*, *content*, *contentedness*, *contentment*, *delectation*, *gratification*, *relish*, *delight*, *enjoyment*, *satisfaction*, *felicity*, *joy*, *joyousness*, *joyfulness*, *jubilation*, *cheerfulness*, *cheeriness*, *cheer*, *blithesomeness*, *gladness*, *lightheartedness*, *exhilaration*, *elation*, *exuberance*, *high spirits*, *glee*, *ecstasy* [4,5,6];

ўзбек тилида: иноят, фаровонлик, хотиржамлик, бойлик, роҳат, омад, улуш, тақдир, қисмат, пешана, ғалаба, бахтли яқун, истеъдод, ютуқ, толе, ишнинг ўнгидан келиши, ором, лаззат, гашт, мамнунлик [9].

С.Г. Воркачев ва Е. А. Воркачева таъкидлаганидек, инглиз лексикографиясида “бахт” концептининг семантик тасвири асосан “happy” – “бахтли” сифатига қаратилган [7]. Уларнинг таҳлили этно-маданий фарқларни очиб беради. Инглиз тилидаги ва ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда келтирилган маълумотларга асослаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, happy = feeling or expressing pleasure, contentment, satisfaction (“Бахтли” – ҳис-туйғу ёки мамнуният, лаззатни ифодалаш воситаси), ўзбек тилида эса муваффақият, турмуш тарзи, истакларнинг бажарилиши, мақсадларга эришиш каби маъноларни ҳам билдиради. Кўриб турганимиздек, бу сўзнинг маъноси инсоннинг ички ҳолатини тасқвирламайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилганидек “бахтли бу омад, муваффақият ёр бўлган киши”. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Ўз ҳаётдан тўла қониқиш ҳосил қилиш: Она-ер нафасига, меҳрига, инъомларига тўйиб яшашдан ортиқ бахт борми? – Саодат [9, 178].

Шу билан бир қаторда мазкур лексема омад, толе, иқбол каби семантик синонимларга ҳам эга: Нега бошингга қўнган бахт қушни калтак олиб қувлайсан [11,46].

Бахт концептининг қўйидаги ядро синонимларини ҳам мисол тариқасида келтириб ўтамиз: *саодат, омад, шодлик, хурсандчилик, иқбол, мамнунлик, бахтиёрлик, толе, мурод, ният, қобил* [10, 15-30].

Азим Хожиевнинг ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғатида бахт концепти ва унинг синонимлари қўйидаги лексемалар орқали тақдим этилади: *бахт, толе, саодат, иқбол* ва ҳаётдан қониқиш ҳиссини, ёки инсонга шундай туйғу бахш етувчи нарсаларни ифодалайди. *Иқбол* синоними асосан юқори услубга хос сўздир. аксар ҳолларда *толе, иқбол, бахт* синонимларига мазмунан *омад* варианты тўғри келади. Саодат синоними адабий тилга хос вариантдир ва тилда кам учрайди. Юқорида келтирилган синонимлардан ташқари *бахтли, бахтиёр, саодатли, толели, масъуд* каби синонимлар ҳам мавжуд. Масалан: *Бахтёр бўлган, бахтикулган. Саодатли китоб. Бахтли кўзим, мен ўйлаб боқсам, Икки баҳор кўрибди ёшинг*[10, 50]. *Масъуд* синоними бугунги кунга келиб эскирган, архаик ҳисобланиб фақатгина юқори услубда ишлатилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бахт икки тилда ҳам инсонга хос бўлган ҳис-туйғунинг бир тури бўлиб инсон ҳаётини, борлигини баҳоловчи асосдир. Бахт концептининг лингвомаданий ғояси инсоннинг миллий ўзлигини белгилайдиган этноцентрик семантик тузилмадир, бундан ташқари бахт ғояси тарихан тадрижий ва ўзгарувчан бўлиб, бу турли даврларга мансуб турли типдаги матнларда ҳам тасдиқланган. “Бахт” концептининг ўзбек тилидаги ва инглиз тилларидаги лексик-семантик таҳлили шуни кўрсатиб турибдики ушбу концептлар “ҳолат”, “қувонч”, “омад” семаларида мос келади. Синонимик қатор таҳлили натижаси шуни кўрсатмоқдаки номинантларда фақатгина иккита ҳолат бўйича ўхшашлик мавжуд, яъни “ижобийлик” ва “ҳолат”. Этимологик нуқтаи назардан “бахт” концептининг икки тилда ҳам қисман ўхшашликлари мавжуд.

АДАБИЁТЛАР

- 1) Лихачев Д.С. XXI век должен быть эпохой гуманизма. М.: Наука, 1987. 31 с.
- 2) Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии / общ. ред. и вступ. ст. А.Е. Кибрика. М.: Прогресс: Универс, 1993. 656 с.
- 3) The Etymology of Happiness, and Some Related Words. URL: <http://faculty.smcm.edu/mstaber/etymhapp.htm> свободный.
- 4) Happy // The Oxford Thesaurus An AZ Dictionary of Synonyms Online. URL: <http://www.jiport.com/?sname=ensyn>, свободный.
- 5) The Pan Dictionary of Synonyms and Antonyms / ed. by L. Urdang, M. Manser. London; Sydney: Pan Books: Laurence Urdang Inc., 1980.
- 6) The Penguin dictionary of English Synonyms and Antonyms / ed. by R. Fergusson. London, 1992. 448 p.
- 7) Воркачев С.Г., Воркачева Е.А. Концепт счастья в английском языке: значимостная составляющая // Массовая культура на рубеже XX–XI веков: человек и его дискурс. М.: Азбуковник, 2003. С. 263-275.
- 8) Oxford Advanced Learner's Dictionary of Currant English. A.S. Hornby, 1974.
- 9) Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: ЎЗСЭ, 1981. – 632 б.
- 10) Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1974.
- 11) Қоржовов А. Бозор ошхонасидаги қиз. – Т.: Дизайн –пресс 2012. – 191б.